

Маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилоят Қумқўрғон туман бўлинмаси билан ҳамкорликда туман мазказида жойлашган 11-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида карантин талабларига амал қилган ҳолда адабий, маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари ўринбосари Б.Эргашев, Ўзбекистон Адабиёти ва санъати газетаси бўлим бошлиғи А.Абдумажид, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Нурулло Чори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабий ходими Навоийлик Алишер, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабий ходими М.Жумаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари М.Олломурадов, туман ҳокимлиги, туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси ҳамда умумтаълим директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва ижод ёшлар қатнашдилар.

